

ШАРТНОМА № 1

«11» январ 2022 йил

Тўрақўрғон тумани

Уз Низоми асосида иш юритувчи Тўрақўрғон туман почта алоқа тармоги бошлиғи Н.Нажимов бир томондан (келгусида Сотувчи деб юритилади) ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Бюджетдан ташкари Пенсия жамгармаси Наманган вилоят бошкармаси ташкилот рахбари Ю.Ахмедов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома мазмуни.

1.1. «Сотувчи» мазкур шартнома буйича «Харидор»га узаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадан конверт, марка (кейинги уринларда «махсулот» деб юритилади) ни етказиб бериш.

Етказиб бериладиган махсулотларнинг шартнома тузиш вақтидаги микдори, нархи ва суммаси қуйидаги жадвалда келтирилган

№	Махсулот(иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Почта хизматлари(манзилга хат етказиб бериш хизмати)	хизмат	2000	4150	8300000
	Жами:	X	X	X	8300000

2. Шартноманинг умумий қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби.

2.1 Мазкур шартноманинг баҳоси 8300000 (Саккиз миллион уч юз минг)сўмни ташкил этади.

2.2. «Бюджет ташкилоти» олинадиган махсулот(иш, хизматлар)лар учун 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Сотувчи» нинг ҳисоб рақамига утказиб беради

2.3. «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг узаро келишувига мувофик белгиланган микдорда ва аванс туловидан сунг 3 кун муддат ичида махсулот(иш, хизмат)ларни «Харидор»га етказиб беради.

2.4 «Харидор» такдим этилган ҳужжатларга асосан 30 кундан куп бўлмаган муддат ичида узул-кесил ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.5 Етказиб бериладиган махсулотлар учун пул ўтказиш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Сотувчи" шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларни етказиб бериш талаб қилиш.

3.2 "Сотувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб бериладиган махсулотлар учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узул-кесил ҳисоб-китоб қилинишини Бюджет ташкилотидан талаб қилиш.

Махсулотларни мазкур шартномага асосан ««Харидор» буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш.

4. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартном ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак: Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидур, бу ҳақда, «Сотувчи» нинг буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Махсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган хар-бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотни қийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган махсулотлари учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Харидор» «Сотувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак.

5.3. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган кечиктирилиши ёки махсулот етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

6.2 Форс-мажор ҳолатларини юзага келиши ва бартараф этилиши ҳақида томонлар бир-бирларига зудлик билан 3 кун ичида хабардор қилишлари шарт.

6.3 Шартнома бўйича мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари бартараф этилгач бажаришни давом эттирилиши мумкин.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1 Мазкур шартнома «Харидор» ва «Сотувчи» томонларидан имзоланиб тасдиқлангандан сўнг кучга қиради.

8.2 Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-деқбаргача.

9. Яқуний қондалар

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва тўлов маълумотлари

«Сотувчи»

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Наманган филиали
Турақургон туман почта алоқа тармоғи
Манзил: Турақургон тумани Янгиобод МФЙ 23уйё.
Тел. 44-21-555, 44-22-665
х/в 22612000000155266380
АТБ «Микрокредит» 99-367-45-15
МФО 00260
ИНН: 200833833
ОКОНХ: Тел: 45-22-665

«Харидор»

Б.И.И.с Наманган вилоят бошқарма
Наманган шаҳар И. Қаримов 37
банк "Тошкен шаҳар
бош бошқармаси ХККМ;
МФО: 00014; ИНН: 209009132
Ш.х/в: 1000186014401740 23 00037001
Газначилик: Ўз.Респ.М.В Газначилиги
Газна х/в 23 40 000300 10000 10 10
МФО: 00014, Газна ИНН: 20 1122 919


Бошлик:  С. Мирзаев

М.У

Юрист

Бошлик:  Б.И.И.с

М.У





ГУВОҲНОМА СВИДЕТЕЛЬСТВО

1. Тартиб рақами ва рўйхатга олинган сана
Исходящий № и дата заполнения
2. Хўжалик юритувчи субъект номи:

1036	27.03.2007 йил
КТУТ хос рақами код ОКПО	15234318

Наименование хозяйствующего субъекта:

**«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» очик турдаги акцидорлик
жамиятининг Наманган вилоят филиали**

3. ХТТУТ бўйича асосий фаолият тури
Основной вид деятельности по ОКОНХ

Код хос рақами	52100
----------------	-------

4. МШТ бўйича мулкчилик шакли
Форма собственности по КФС

Код хос рақами	144
----------------	-----

5. ТҲШ бўйича ташкилий – ҳуқуқий шакли
Организационно – правовая форма по КОПФ

Код хос рақами	1150
----------------	------

6. Манзили (МҲОБТ бўйича тўлиқ хос рақами)
Местонахождение: (полный код по СОАТО)

Код хос рақами	1714401
----------------	---------

7. Давлат рўйхатига олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш асоси:
Основание для государственной регистрации или перерегистра

Наманган шаҳар ҳокимининг 27 август 2005 йилдаги
№437-сонли қарори

Раҳбар

Руководитель

Д. Қирғизов

(исми – шарифи) (Ф.И.О.)

(имзо) (подпись)

